



ЎТКИР ИШЕМИК ИНСУЛТ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА УЙҚУ АРТЕРИЯСИННИНГ ЎТКАЗУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Асадуллаев М.М., Жуманазаров Д.Р, Ботирова Н.А.

Тошкент Тиббиёт Академияси

Аннотация: *Муаммонинг долзарбилиги:* Ўткир ишемик инсульт - юқори ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларига эга жиоддий касаллик. Инсультнинг олдини олиши ва самарали даволаши муаммоси жуда муҳим. Уйқу артериясининг ўтказувчанилиги инсульт патогенезидаги муҳим рол ўйнайди. Уйқу артериясининг стенози ёки тромботик ўзгаришилари инсульт ривожланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Уйқу артериясининг ўтказувчанлик хусусиятлари инсультдан кейинги неврологик ва когнитив ўзгаришиларнинг башиоратида муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотлар реабилитация стратегияларини ишилаб чиқишида фойдаланиши мумкин. Ўткир ишемик инсульт ўтказган bemorларда уйқу артерияси ўтказувчанигининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ўрганилмаган. Бу борадаги қўшимча маълумотлар касалликни тушунишига ва даволашга ёрдам беради. Шундай қилиб, ушибу мавзунинг долзарбилиги инсультнинг патогенезини тушуниши, касаллик кечиши ва реабилитация натижаларини башиоратлаши, шунингдек, даволаш стратегияларини яхшилашида муҳим аҳамиятга эга эканлигида акс этади.

Мақсад: Ўткир ишемик инсульт ўтказган bemorларда уйқу артериясининг ўтказувчанлик даражаси ва ўзгаришилар динамикасини аниқлаш.

Калим сўзлар: ўткир ишемик инсульт, уйқу артериясининг ўтказувчанлик хусусиятлари, атеросклеротик ўзгаришилар, уйқу артериясининг диаметри, қон оқими тезлиги.

Тадқиқот материали ва усуллар: Тошкент Тиббиёт Академияси нейрореанимация ва неврология бўлимларида даволанаётган жами 222 та



беморларда уйқу артерияларининг атеросклеротик ўзгаришлари ултра товуш текшируви орқали текширилиб баҳоланди.

Натижалар: Тадқиқотда иштирок этган bemorлардан олинган маълумотлар асосида уларнинг уйқу артерияларининг диаметри ва қон оқими тезлиги таҳлил қилинди. Уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражасига кўра таҳлил қилинган маълумотлар қуидаги жадвалда келтирилган:

Уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражаси	Томирдаги кон оқими тезлиги (см\сек)							
	Унг Умумий уйқу артерияси	Чап Умумий уйқу артерияси	Унг Ички уйқу артерияси	Чап Ички уйқу артерияси	Унг Ташки уйқу артерияси	Чап Ташки уйқу артерияси	Унг Умуртка артерияси	Чап Умуртка артерияси
Норма (n=14)	73,2	73,3	74,3	75,7	50,4	50,6	47,9	48,4
Бошланғич (n=58)	72,9	70,4	67,9	67,2	48,3	47	44,2	44,4
1 томонлама аҳамиятсиз (n=6)	78,8	66,7	75,8	71,5	45	45	45	44,2
2 томонлама аҳамиятсиз (n=97)	68,3	65,8	61,8	62,8	45,4	45,2	39,7	39,6
ўнг томонлама аҳамиятли (n=11)	59,7	65,8	71,8	66,33	46,66	46,6	40,8	42,7
чап томонлама аҳамиятли (n=16)	69,1	70,1	75,8	78,5	49,4	48,5	38,7	44,4



2 томонлама аҳамиятли (n=25)	70,8	71,6	78,3	77,2	63,7	59	50,4	47,5
------------------------------	------	------	------	------	------	----	------	------

Ушбу натижалар уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражасига боғлиқ равишда томир ичидағи қон оқими тезлигини күрсатади.

Норма гурұхыда қон оқими тезлиги барча артерияларда тахминан бир хил бўлиб, 50-75 см/сек оралиғида ўзгаради. Бошланғич заарланиш гурұхыда қон оқими тезлиги умуман бираз пасайған, айниқса ички ва ташқи уйқу артерияларида. 1 томонлама аҳамиятсиз гурұхда ўнг томонлама қон оқими тезлиги бироз юқори, чап томонлама эса пасайған. 2 томонлама аҳамиятсиз гурұхда қон оқими тезлиги умумий паст, ҳамма артерияларда тахминан бир хил пасайған. Ўнг томонлама аҳамиятли гурұхда ўнг томонлама қон оқими анча паст, чап томонлама эса нормал. Чап томонлама аҳамиятли гурұхда чап томонлама қон оқими паст, ўнг томонлама эса нормал. 2 томонлама аҳамиятли гурұхда қон оқими тезлиги барча артерияларда бир хил пасайған. Атеросклеротик ўзгаришлар қучайған сари қон оқими тезлиги дастлаб ўнг ёки чап томонлама пасаяди, кейин эса икки томонлама бир хил пасаяди. Ушбу олинган натижалар томир заарланишининг даражаси ва жойлашишини аниқлашда муҳим аҳамиятта эга.

	Томирларнинг диаметри (мм) да								
Уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражаси	Ўнг Умумий уйқу артерияси (мм)	Чап Умумий уйқу артерияси (мм)	Ўнг Ички уйқу артерияси (мм)	Чап Ички уйқу артерияси (мм)	Ўнг Ташки уйқу артерияси (мм)	Чап Ташки уйқу артерияси (мм)	Ўнг Умуртка артерияси (мм)	Чап Умуртка артерияси (мм)	
Норма (n=14)	6,9 ± 1,6	6,9 ± 1,7	5,5 ± 1,4	5,5 ± 1,2	4,2 ± 1,2	4,2 ± 1,1	3,2 ± 0,9	3,2 ± 0,2	
Бошланғич (n=58)	7,3 ± 1,8	7,3 ± 1,7	5,3 ± 1,3	5,2 ± 1,3	4,2 ± 1,3	4,2 ± 1,3	3,3 ± 1,3	3,4 ± 0,9	
1 томонлама аҳамиятсиз (n=6)	7,3 ± 1,9	7,2 ± 1,8	5,5 ± 1,35	5,4 ± 1,2	4,4 ± 1,3	4,3 ± 1,4	3,5 ± 1,4	3,6 ± 1,2	



2 томонлама аҳамиятсиз (n=97)	7,2 ± 1,8	7,7 ± 1,8	5,1 ± 1,3	5,1 ± 1,3	4,1 ± 1,4	4,1 ± 1,3	3,1 ± 1,2	3,1 ± 1,1
ўнг томонлама аҳамиятли (n=11)	7,8 ± 1,6	8,1 ± 1,9	5,6 ± 1,2	5,6 ± 1,34	4,5 ± 1,2	4,4 ± 1,2	3,1 ± 1,2	3,4 ± 0,9
чап томонлама аҳамиятли (n=16)	7,4 ± 1,7	7,4 ± 1,7	5,2 ± 1,4	5,3 ± 1,3	4,1 ± 1,2	4,2 ± 1,1	3,1 ± 1,3	3,4 ± 1,0
2 томонлама аҳамиятли (n=25)	7,2 ± 1,5	7,2 ± 1,5	5,1 ± 1,2	5 ± 1,2	4,2 ± 1,3	4,2 ± 1,1	3,6 ± 1,3	3,6 ± 1,1

Бу натижалар уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражасига боғлиқ равишда артерия диаметрларини кўрсатади. Норма гуруҳида барча артерия диаметрлари тахминан бир хил бўлиб, 3.2-6.9 мм оралиғида ўзгарди. Бошланғич заарланиш гуруҳида диаметрлар деярли ўзгармасдан қолган, фақат ички уйқу артериялари диаметри бироз камайган. 1 томонлама аҳамиятсиз гурухда ўнг ва чап томонлар деярли бир хил, фақат умуртқа артериялари диаметри бироз катта. 2 томонлама аҳамиятсиз гурухда барча артерия диаметрлари тахминан teng ва бироз камайган, айниқса умуртқа артерияларида. Ўнг томонлама аҳамиятли гурухда ўнг томонлама артерия диаметрлари бироз катта, чап томонлама эса тахминан норма. Чап томонлама аҳамиятли гурухда чап томонлама артерия диаметрлари бироз катта, ўнг томонлама эса тахминан норма. 2 томонлама аҳамиятли гурухда барча артерия диаметрлари тахминан teng ва бироз камайган, лекин умуртқа артерияларида кичик узгаришлар кузатилди.

Натижалар асосида айтишимиз мумкинки атеросклеротик ўзгаришлар кучайган сари артерия диаметрлари дастлаб бир томонлама ўзгаради, кейин эса икки томонлама teng камаяди. Умуртқа артериялари эса деярли ўзгармасдан қолади. Бу маълумотлар артерия заарланишининг даражаси ва жойлашишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.



Хулоса: Уйқу артерияларининг атеросклеротик заарланиш даражасига боғлиқ ҳолда томирдаги қон оқими тезлиги ва диаметри ўзгаради. Норма гурухида қон оқими тезлиги ва томирлар диаметри меъёрий кўрсаткичларга эга. Бошланғич, 1 томонлама аҳамиятсиз ва 2 томонлама аҳамиятсиз гурухларда қон оқими тезлиги ва диаметри бироз камайган. Ўнг томонлама аҳамиятли, чап томонлама аҳамиятли ва 2 томонлама аҳамиятли гурухларда қон оқими тезлиги ва диаметри сезиларли даражада пасайган. Яъни, уйқу артериялари заарланиш даражаси ортиши билан қон оқими тезлиги ва диаметри камаяди. Бу ҳолат атеросклеротик ўзгаришларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Уйқу артерияларидаги заарланиш даражаси инсульт ривожланишига асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу маълумотлар инсульт ўтказган bemorларда бу заарланиш даражаси қанчалик юқори эканлигини кўрсатади.

Томирларнинг торайиши қон оқимини ўзгартиради ва бош мияга етадиган қон таъминоти камаяди, бу эса инсультнинг ривожланиш хавфини оширади.

Уйқу артерияларидаги қон оқими тезлигининг пасайиши, бош мияга қон етказиб берувчи томирлар заарланганлигини кўрсатади. Қон оқими тезлигининг пасайиши инсульт ривожланиш хавфини оширади, чунки бош мия қон таъминоти етарли даражада бўлмайди.

Уйқу артериялари диаметрининг торайиши ҳам инсульт ривожланиш хавфини оширади. Диаметрнинг камайиши қон оқими тезлигини пасайтиради ва бош мияга қон етказиб бериш ноқулайлашади. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот натижалари ўтказилган инсульт учун таҳлил қилинадиган асосий омилларни акс эттиради ва келгусидаги инсульт хавфини баҳолаш имконини беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Furie, Karen L., et al. "Guidelines for the prevention of stroke in patients with stroke or transient ischemic attack: a guideline for healthcare professionals from the American Heart Association/American Stroke Association." *Stroke* 42.1 (2011): 227-276.
2. Collaborators, GBD Stroke. "Global, regional, and national burden of stroke, 1990–2016: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2016." *The Lancet Neurology* 18.5 (2019): 439-458.
3. Brott, Thomas G., et al. "2011 ASA/ACCF/AHA/AANN/AANS/ACR/ASNR/CNS/SAIP/SCAI/SIR/SNIS/SVM/SVS guideline on the management of patients with extracranial carotid and vertebral artery disease: executive summary." *Circulation* 124.4 (2011): 489-532.
4. Sacco, Ralph L., et al. "An updated definition of stroke for the 21st century: a statement for healthcare professionals from the American Heart Association/American Stroke Association." *Stroke* 44.7 (2013): 2064-2089.
5. Liebeskind, David S. "Collateral circulation." *Stroke* 34.9 (2003): 2279-2284.